

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ОТАБАЕВ АБДУКАДИР КАРИМОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИНING
ИНСТИТУЦИОНАЛЛАШУВИ
(сиёсий-тарихий таҳлил)**

23.00.01 – Сиёсат назарияси ва фалсафаси.
Сиёсий таълимотлар тарихи ва методологияси

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по политическим наукам**

**Content of dissertation abstract
of Doctor philosophy (PhD) on political sciences**

Отабаев Абдукадир Каримович

Ўзбекистонда жамият қурилишининг институционаллашуви

(сиёсий-тарихий таҳлил).....3

Отабаев Абдукадир Каримович

Институционализация общественного строительства в Узбекистане

(политико-исторический анализ).....27

Otabayev Abdukadir Karimovich

Institutionalization of social construction in Uzbekistan

(political and historical analysis).....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works56

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ОТАБАЕВ АБДУКАДИР КАРИМОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИНING
ИНСТИТУЦИОНАЛЛАШУВИ
(сиёсий-тарихий таҳлил)**

23.00.01 – Сиёсат назарияси ва фалсафаси.
Сиёсий таълимотлар тарихи ва методологияси

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Ss160 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Ўзбекистон Миллий университети веб-саҳифасида (www.nuu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Алиев Бекдавлат
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Идиоров Улугбек Юсупович
сиёсий фанлар доктори, профессор

Отакулов Шухрат Муродуллаевич
сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона.)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (___ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2020 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

Ш.И.Пахрутдинов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

А.Х.Холмахматов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, ф.д. (PhD)

Б.Т.Тўйчиев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ижтимоий-сиёсий фанлар йўналишидаги мутахассисларнинг мазкур муаммога қизиқиши ижтимоий-сиёсий институционаллашув, сиёсий институтлар, унинг гносеологик имконияти кўлами беқиёс эканлигини кўрсатиб турибди. Институционаллашувни ўрганиш ўзининг тадрижийлигида жиддий ўзгаришга учраб, маълум даражада тадқиқотларни бойитиб бориш асносида таҳлилий хулосалар чиқариш имкониятини ҳам яратади. Зеро, институционаллашув мураккаб ҳодиса тарзида ўз ичига ижтимоий назорат тизими қадриятлар мажмуасидаги мураккаб воқеа-ҳодисаларни қамраб олади.

Ривожланган давлатлар тажрибасида давлат бошқарувини демократлаштириш, жамият қурилишини институционаллаштириш ҳамда бошқарув самарадорлигини баҳолаш технологияларини қўллаш, уларда мақсадли индикаторларга эришишнинг янги механизмларини жорий этиш борасидаги тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда глобаллашув ҳамда модернизациялаш жараёни шиддат билан кечаётган бугунги кунда “миллий ривожланиш”, “миллий концепция”, “миллий моделлар”, “сиёсий модернизация”, “жамиятни модернизациялаш” тушунчаларининг методологик асосларига оид бир қатор концептуал қарашлар ҳам илгари сурилмоқда. Уларда мамлакатни демократлаштириш, жамиятни институционаллаштиришнинг самарали механизмларини яратиш, миллий ўзига хосликни сақлаб қолган ҳолда универсал моделларни ишлаб чиқиш масалаларига эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда жамиятни институционаллаштириш борасида амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни ифода этадиган фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари шаклланиши ва ривожланишининг жадаллашаётганини айнан сўнгги йиллар доирасида идрок этиш тўғри бўлади. Глобаллашув шароитида бу, бир томондан – барқарор тараққиётни таъминласа, иккинчи томондан эса, истиқболга қаратилган реал имкониятларнинг рўёбга чиқишига йўл очади. Масаланинг муҳим жиҳатларидан бири сиёсий институтлар, институционаллашув динамикаси таҳлили баробарида тадқиқотда “институт”, “институционаллашув” ва шу каби категориал тушунчалар аниқланиб, сиёсий фанлар доирасида тадқиқ қилинишига олиб келадик, бу, ўз навбатида, муаммонинг алоҳида тадқиқот мавзуси бўлиши ва долзарблигини кўрсатади. Шунингдек, бугунги кунда Ўзбекистонда содир бўлаётган чуқур ўзгаришлар билан боғлиқ миллий жиҳатлар ҳам мавжудки, улар мустақиллик йилларида ижтимоий-ҳуқуқий давлат қурилиши ва жамият ҳаётининг демократиялашуви шароитида институционаллашувдаги анъанавийлик ва замонавийлик уйғунлиги, жамият қурилишидаги институционал тикланишларнинг фаол янгилашлар даври фуқаролик жамияти

институтлари фаолиятини сиёсий-тарихий нуқтаи назардан ўрганишга қаратилган тадқиқотларнинг камлиги ёки шу йўналишдаги яхлит тадқиқотларнинг мавжуд эмаслиги билан ифодаланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, 2007 йил 15 январдаги 78-сон “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги, 2014 йил 5 майдаги 369-сон “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги, 2016 йил 11 апрелдаги 403-сон “Парламент назорати тўғрисида”ги, 2018 йил 12 апрелдаги 474-сон “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари ва мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий иқтисодийтн модернизациялаш ва либераллаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жамият ҳаётини институционал тадқиқ қилиш етарлича тарихий негизига эга. Турли тарихий даврларда ижтимоий-маданий жараёнлар содир бўлиши, қолаверса, уларнинг долзарблашуви, ижтимоий-сиёсий эҳтиёжлар кўлами “институтлар” концептига замонавий таърифни изоҳлашга бўлган турфа ёндашувларнинг шаклланишига сабаб бўлди.

Маълумки, жамият қурилиши институционаллашуви, яъни таркиблашуви билан боғлиқ масалалар азалдан кўплаб мутахассисларнинг диққатини тортиб келган. Қолаверса, бу масалалар қадимги аждодларимиздан қолган “Авесто” ва “Ўрхун-Энасой тошбитиклари”да, ал-Хоразмий, ал-Бухорий, ал-Беруний, Нажмиддин Кубро, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур ва бошқа алломаларимиз ижодий меросида ўз ифодасини топган.

Ижтимоий тараққиёт давомида жамият қурилиши ва бошқаруви тўғрисидаги қарашлар, ғоялар ва таълимотлар ривожланиб, такомиллашиб борганлиги, хусусан, ватандошимиз Абу Наср Форобийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари тизимида ҳамда Амир Темур ва темурийлар сулоласининг давлат бошқаруви масалаларига оид анча такомиллашган ёндашувларида яққол кўзга ташланади. Қолаверса, жамият қурилиши ва бошқаруви билан боғлиқ масалалар Низомулмулк, Мирхонд, Хондамир, Шарафиддин Али Яздий, Хожа Самандар Термизий каби кўплаб алломалар ижодидан ўрин олган. Ҳозирги даврда ҳам ушбу масалага доир кўплаб

китоблар, рисоалар ва қўлланмалар чоп этилишини ҳам айнан шу доирада қараш ва англаш зарур.

Шунинг баробарида, таъкидлаш жоизки, давлат ва жамият бошқарувида уларнинг моҳияти, тузилиши, қонуниятларини билиш, шунга таяниб бошқарув ва раҳбарлик фаолиятини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги сир эмас. Қолаверса, у “жамият”дек ўта мураккаб тушунча ва унинг тузилиши, унинг бағридаги институционал ислоҳотлар жараёнини идрок этиш ва билишда муҳим омил сифатида ўрганилишининг сабаби ҳам шунда.

Хуллас, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда жамият қурилиши, фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиш жараёни билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ҳамда сиёсий-фалсафий соҳаларда қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилди. Уларда мустақиллик йилларида қайта тикланган маҳаллий бошқарув институти – маҳалла, унинг жамият ҳаётини янгилашдаги ўрни, ўзини-ўзи бошқаришнинг ноёб шакли экани, шунингдек, фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири – нодавлат ноижорат ташкилотлар, жамият қурилишида сиёсий партияларнинг ўрни, уларнинг типологияси, партиявий тизимларнинг аҳамиятини ўрганиш билан боғлиқ илмий изланишлар ўрин олди. Ушбу тадқиқотларда фуқаролик жамиятининг ривожланиш босқичлари, шаклланиш жараёнлари, Ўзбекистонда жамият сиёсий ҳаётини талаб даражасига кўтариш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар таҳлил этилган. Жумладан, Биринчи Президент сиёсий идеалларига тааллуқли “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили асосида ислоҳотларнинг чуқурлашиб бориши, ислоҳот ислоҳот учун эмас, балки инсон манфаатлари, фаровонлиги ва эркинлигини таъминлашга қаратилгани, шунингдек, мамлакатимизда жамиятни демократлаштириш жараёнлари таҳлиliga Ўзбекистон олимлари томонидан устуворлик берилганлиги ўз-ўзидан тушунарли.

Умуман олганда, бу борада нечоғлиқ залворли илмий изланишлар олиб борилишини назарда тутиб, айтиш жоизки, танланган муаммо баҳсталаб жабҳа ҳисобланади. Муаммога нисбатан ҳамма мамлакатларда, мутахассислар орасида фикр бир хил эмас ва бу объектив ҳолат. Айтиш лозимки, Ғарб файласуф ва сиёсатшунос олимлари асарларида аллақандай барча мамлакатларга бир хилда хос, қандайдир универсал ижтимоий назарияни яратишга бўлган интилиш, илмий-назарий концепция шаклланиб борди. Уларда воқеликка бўлган рационал қараш, унинг асосида ишонч, яъни ижтимоий воқелик ўзининг ақлий, холис ва илмий асосига эга эканлиги, жамиятнинг мураккаб тизим эканлиги ва унинг моҳиятини сабаб-оқибат боғланишига эга бўлган ижтимоий қонунлар ташкил этиши билан боғлиқ ғоя устувор бўлган. Шу зайдда давлатга оид ижтимоий-сиёсий институтлар таҳлил ва талқини сифатида диний кадриятий таълимотлардан озод бўлган сиёсий дунёқарашнинг асосий тамойиллари Г.Гроций, Б.Спиноза, Т.Гоббслар яратган интеллектуал ландшафт шакллантирилди. Жумладан, О.Конт,

Г.Спенсер, Э.Дюркгейм ва бошқалар институционаллашув давлат ва жамият ҳаётининг табиий қисми деб ҳисоблагани боис, кўпроқ социологияда таҳлил қилиниши керак деб билишган. Айни вақтда, бу социологик позитивизмда “институционаллашув” назариясини шакллантирди¹.

Э.Дюркгейм биринчилардан бўлиб назарий ва методологик жиҳатдан структуравий функционализм постулатларини асослади². Жамиятнинг институционал структурасининг ўзи ва унинг ривожланиш шарти ижтимоий меҳнат тақсимоти натижаси эканлигини қайд этди. Айнан меҳнат тақсимоти жамиятни, энг аввало, бир-бири билан сабаб-оқибат, умумий алоқадорлик қонунлари асосида боғланган ҳамда ижтимоий ҳамкорликни ташкил қилган одамлар муносабатлари асносида қурилишини асослашга уринди.

Т.Парсонс, М.Вебер ва бошқа Ғарб олимлари эса жамият ҳаётининг институционаллашув жараёнининг маданий-қадриятий жиҳатларига эътибор қаратдилар³. Жамият институционал тизимининг умумназарий масалаларни тушунишдаги ўрни ва ролини ўрганишга бўлган уриниш МДҲ ва россиялик олимлардан А.В.Рыбаков, С.С.Андреев, Г.А.Белова, А.Е.Щербаков, Н.А.Громова, В.А.Колесников, А.Ю.Гайдин, О.Ф.Шаброва, Б.И.Зеленко⁴ ва бошқалар томонидан амалга оширилган.

Муаммони чуқур сиёсий таҳлил қилишда: В.Пугачёв, И.Соловьёв, А.Радугин, А.Мендра, Р.Руденко, И.Мостовая, Ж.Маркович, М.Удальцова, Ф.Хайек, В.Чиркин, С.Крапивенский, П.Спикер, Н.Захаров, О.Бычкова сингари йирик хорижий тадқиқотчилар ва мутахассисларнинг ишлари ҳам бизга катта ёрдам берди⁵.

Мустақиллик шароитида жамият қурилиши, фуқаролик жамияти институтлари, уларнинг бошқарув соҳасидаги ислохотлар муаммоларини ўрганишга оид қатор маҳаллий олимларимизнинг тадқиқотлари яратилди. Улардан: И.Эргашев, Р.Жумаев, М.Қирғизбоев, Ш.Пахрутдинов, А.Бегматов, А.Холбеков, М.Бекмуродов, Ф.Мусаев, Б.Алиев, Ж.Мавлонов ва бошқа олимларнинг тадқиқотларида мавзунинг турли томонлари ўрганилган⁶. Бироқ биз томондан ўрганилаётган кенг қамровли муаммо, жумладан, ижтимоий-сиёсий институционаллашув жараёни турли сабаблар боис, юқорида исм-шарифлари зикр этилган олимлар назаридан биров четда қолган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ижтимоий-

¹ Спиноза Б. Политический трактат – Москва: Директ-медиа, 2012; Спиноза Б. Избранные произведения. Т.1,2 – Москва: Государственное издательство политической литературы, 1957; Гоббс Т. Левиафан. – Москва: Рипол-Классик, 2017.

² Дюркгейм Э. Метод социологии. – Москва: Наука, 1991.

³ Вебер М. Политик как призвания и профессия. Избранные произведения. – Москва: Прогресс, 1990.

⁴ Муаллифларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

⁵ Муаллифларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

⁶ Муаллифларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг муштараклиги” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда жамият қурилишининг институционаллашув муаммосига бевосита тааллуқли ижтимоий-сиёсий институтларни илмий ва назарий ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

янги ривожланиш босқичида жамият қурилиши, унинг институционал муаммоларига оид сиёсий жараёнини тадқиқ қилиш;

“институционаллашув” тушунчасининг мазмун-моҳияти ва назарий-методологик муаммолари таҳлилини бериш;

жамият қурилиши ва институционаллашувга оид маҳаллий ва хорижий таълимотлар, уларнинг концептуал жиҳатларини умумлаштириш;

жамиятда сиёсий институтларнинг аҳамияти ва заруратини тадқиқ қилиш муаммоларини асослаб бериш;

тарихий тажриба ва концепциялар асосида “институт” тушунчаси ва сиёсий институтларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаштириш;

фуқаролик жамияти институтлари ва давлатнинг ўзаро алоқаларини сиёсий нуқтаи назардан таҳлил этиш;

жамият барқарорлигини таъминлашда сиёсий институтларнинг ўрнини аниқлаштириш;

жамиятни модернизациялаш даврида институционаллашув жараёнларининг такомиллашувига оид назарий хулоса ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистоннинг ижтимоий тараққиёти доирасида жамиятнинг институционаллашуви жараёни ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий институтларнинг шаклланиш ва ривожланиш хусусиятлари, таъсир этиш жараёнлари ва уларнинг институционал тизимли ва функционал таҳлилини амалга оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Мавзуни ёритишда объективлик, тарихий, қиёсий-тарихий, тузилмавий, тузилмавий-функционал усуллардан фойдаланилган. Тадқиқотда анализ ва синтез, индукция ва дедукция, аниқликдан мавҳумлик томон ўтиш ва ниҳоят, миллий тафаккур меъёрлари ҳисобга олинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳамда сиёсий тизимни демократлаштириш билан боғлиқ транзитлашув жараёнлари соҳаларни институционаллашириш орқали амалга оширилганда самарали бўлиши ва жамиятда ижтимоий тартибсизлик, англашилмовчилик, норозиликларни олдини олиш ҳамда мақсадли ва уюшган муассасалар фаолияти таъминланиши мумкинлиги асосланган;

мамлакатимизда жамият қурилиши институционаллашувининг асосий таркибий қисмлари (ижтимоий меъёрлар, қоидалар) ва ички механизмлари (ҳолатлар ва ролларни бирлаштирган ҳолда тизимлаштириш) очиб берилган;

сиёсий категория сифатида “институт” (ташкил этиш, муассаса) ва “институционаллашув” (ўзини ўзи ташкил этадиган ҳодисалардан уюшган ва бошқариладиган тизимга ўтишнинг синергетик жараёни) каби тушунчалар таърифлари даврийлик (миллий суверенитет йиллари) ва миллийлик (менталитет, кадриятлар, урф-одат ва анъаналар) омиллари ҳисобга олинган ҳолда такомиллаштирилган;

ҳуқуқий демократик ривожланиш, институционаллашув сиёсати ва жамиятнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан таркиблашуви каби жиҳатлар жараён ва институт сифатида синхрон амалга ошишида табиийлик қонунияти амал қилаётганлиги очиқ берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Хорижий ва миллий тажрибани қиёсий ўрганиш асосида мамлакатимиздаги фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини такомиллаштиришнинг технология ва механизмларига доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий-услубий ва илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, амалий таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот иши мустақиллик йилларида жамият қурилишининг ташкилий тузилиши, институционаллашув жараёнини сиёсий-тарихий жиҳатдан таҳлил қилишдан иборат. Диссертация ишида асослаб берилган муаммо илмий-назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлиб, мамлакатимизда жамият қурилиши доирасидаги ижтимоий-сиёсий, ташкилий-ҳуқуқий ва бошқа муаммолар ҳамда уларнинг ечими билан бевосита боғлиқ. Бу ҳолатни ўрганиш мавзуга оид бир қатор амалий тавсияларни ишлаб чиқишга имкон яратиши мумкин.

Диссертацияда қўйилган хулосалардан сиёсий фанлар, “Сиёсатшунослик”, “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти”, “Фуқаролик жамияти”, шунингдек, олий ўқув юртларида ўқитиладиган бир қатор бошқа ўқув курсларидан дарс бериш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Ўртага қўйилган муаммо келажакда мамлакатимизда жамият қурилиши доирасидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, сиёсий институтлар фаолиятини янада такомиллаштириш стратегияларини сиёсий фанлар нуқтаи назаридан таҳлил қилиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот натижалари бўйича илмий хулоса ва таклифлар асосида қуйидагиларга эришилди:

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳамда сиёсий тизимни демократлаштириш билан боғлиқ транзитлашув жараёнлари соҳаларни институционаллаштириш орқали амалга оширилганда самарали бўлиши ва жамиятда ижтимоий тартибсизлик, англашилмовчилик, норозиликларни олдини олиш ҳамда мақсадли ва уюшган муассасалар

фаолияти таъминланиши мумкинлигига оид хулосалардан Халқ демократик партиясининг қисқа, ўрта ва узоқ муддатли сиёсий дастурларини ишлаб чиқишда ҳамда партия тизимида фаолият кўрсатаётган ходимлар ва партиядан сайланган депутатлар учун ташкил этиладиган сиёсий ўқув курсларида фойдаланиладиган ўқув-услубий кўлланмаларни яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг 2020 йил 3 февралдаги 1-97-сонли далолатномаси). Ушбу назарий хулосалар, таклифлар ва тавсиялар Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларининг бугунги ҳолати бўйича сиёсий таҳлил ва хулосаларнинг илмий асосланишига хизмат қилган;

мамлакатимизда жамият қурилиши институционаллашувининг асосий таркибий қисмлари (ижтимоий меъёрлар, қоидалар) ва ички механизмлари (ҳолатлар ва ролларни бирлаштирган ҳолда тизимлаштириш) очиб берилишига оид хулосалардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг фаолиятида 2018-2019 йиллар давомида фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил 11 февралдаги 02/07-187-сонли далолатномаси). Мазкур хулоса ва таклифлардан Ҳаракатлар стратегиясининг “Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш” биринчи устувор йўналишига оид Давлат дастурининг 30-банди “Давлат ва жамият бошқарувида фуқароларнинг кенг иштирокини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш”га оид жамиятимиздаги ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий институционал янгиланишлар ва муаммолар ечимига сиёсий-тарихий нуқтаи назардан катта ҳисса қўшилган;

сиёсий категория сифатида “институт” (ташкил этиш, муассаса) ва “институционаллашув” (ўзини ўзи ташкил этадиган ҳодисалардан уюшган ва бошқариладиган тизимга ўтишнинг синергетик жараёни) каби тушунчалар таърифлари даврийлик (миллий суверенитет йиллари) ва миллийлик (менталитет, қадриятлар, урф-одат ва анъаналар) омиллари ҳисобга олинган ҳолда такомиллаштирилганига оид хулосалар ва илмий натижалардан Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг 2019 йилга мўлжалланган иш режаси ва партиянинг 2020-2024 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастури ижросида кенг фойдаланилган. Жумладан, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг 2019 йилга мўлжалланган иш режасининг “Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар” деб номланган V бўлимнинг “Миллатлараро муносабатларни янада жадаллаштириш мақсадида юртимизда фаолият юритаётган миллий маданият марказлари билан ҳамкорликни кенгайтириш” 27-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгашининг 2020 йил 13 февралдаги 01-55-сонли далолатномаси). Натижада, партиянинг мазкур йўналишлардаги ишларининг янада такомиллашувига эришилган;

ҳуқуқий демократик ривожланиш, институционаллашув сиёсати ва жамиятнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан таркибланиши каби жиҳатлар

жараён ва институт сифатида синхрон амалга оширишда табиийлик қонунияти амал қилаётганлигига доир илмий хулосалар Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг 2019 йилга мўлжалланган иш режаси ва партиянинг 2020-2024 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурида амалиётга жорий этилган. Жумладан, Дастурнинг “Давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш, маънавий баркамол фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг устувор йўналиши” деб номланган I бўлимнинг “Давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг, шунингдек, давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партиялар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ролини кучайтириш” 1-бандининг қуйидаги қисмлари ижросини таъминлашда фойдаланилган:

1-хатбошиси: “Олий Мажлис палаталари, ижро ҳокимияти органлари ва суд ҳокимияти ўртасидаги алоқаларни янада самарали йўлга қўйиш”;

3-хатбошиси: “Халқ дипломатияси концепцияси” ва “Парламент дипломатияси концепцияси”ни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

8-хатбошиси: “Давлат ва ҳудудий дастурлар лойиҳаларини барча даражадаги депутатларга, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига кўриб чиқиш учун мажбурий тақдим этиш ва уларнинг таклифларини олиш тизимини жорий этиш”.

Диссертациянинг илмий-амалий таклифлари партиянинг узок муддатли истиқбол режасини ишлаб чиқишга ҳам катта ҳисса қўшган. (Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгашининг 2020 йил 13 февралдаги 01-55-сонли далолатномаси).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари республика миқёсидаги 8 та илмий-амалий анжуманларда ва 3 та халқаро илмий анжуманларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш эълон қилинган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та (3 та республика ва 2 та хорижий журналларда) мақола, 11 та халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида тезислар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб ва саккизта параграфни ўз ичига олган бўлиб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 165 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси очиқ берилган, тадқиқотнинг мақсад ва

вазифалари, методлари тавсифланган, тадқиқот объекти, предмети аниқланган, ишнинг илмий янгилиги, олинган натижаларнинг ишончилиги, илмий-амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ҳамда ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Жамият институционаллашуви – сиёсий тадқиқот объекти”** деб номланган биринчи бобида жамиятда сиёсий институтлар фаолиятига оид таълимотлар ва илмий қарашлар ривожини, янги жамият қурилишида “институционаллашув” тушунчаси: назарий ва амалий жиҳатлар ҳамда фуқаролик жамиятида ижтимоий институтларнинг ўрни, мазмун-моҳияти ва шакллари кўриб чиқилган.

Илмий адабиётларда жамият қурилиши, унинг институционаллашувига хос умумий муаммоларни ўрганиш учун етарли эмпирик асос мавжудки, улар орасида, айниқса, давлат ва жамият бошқаруви назарияси ва методологиясига оид масалаларни ёритадиган ишлар катта қизиқиш уйғотади. Маълумки, жамият қурилиши, бошқаруви ҳақидаги тасаввурлар, таълимотлар қадим-қадимдан Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг тадқиқот мавзуларидан ҳисобланиб келган⁷. Бундай қараганда, бугунги жамият қурилиши ва бошқаруви борасидаги қарашлар, жумладан, қадимги Хитойда шаклланган Осмон – Ер – Одам уйғунлиги космологик концепциясини давом эттиради. Конфуцийнинг сиёсий қарашларида Осмон – табиатнинг қисми, коинот, ижтимоий адолат ёки адолат ҳимоячиси, ўрнатувчиси, тақдир, ҳукмдор, ердагиларнинг ҳаётини белгилаб, макон маъносида қаралади. Ер эса – Осмон ости, одамлар яшайдиган борлиқ, Осмон иродасини ижро этувчи куч сифатида қаралса, Инсон ушбу учликни уйғунлаштирувчи, давлат ва жамиятни идора этувчи субъект сифатида талқин этилади. Шу боис конфуцийликни “давлат, жамият, оила ва инсон ҳаётини уйғунлаштириш” (гармония)га қаратилган таълимот, деб аташади.

Қадимги Юнон файласуфлари жамият ҳаётидаги қонунларнинг ўрни ва роли ҳақида ўз фикрларини билдирганлар. Уларнинг фикрича, жамиятни ташкил этишга доир қонун ва қоидалар шахс ҳуқуқларини ҳимоя қила олиш кучига эга бўлиши лозим. Инсонларнинг жамиятга уюшиши, бошқача айтадиган бўлсак, институционаллашув, жамият ишида иштирок этишларидан асосий мақсад – фаровонлик ва барқарорликка эришишдир. Улар нафақат жамият ҳаётини, балки инсон шахсий ҳаётини ҳам қонунлар асосида ташкил этиш, яъни тартибга асосланиш зарурлиги ғоясини илгари суришган эди. Кимда-ким агар “фуқаролар, ўзларининг шахсий ҳаётлари қонунлаштирилмаганига қарамай, жамият ва умумхалқ ҳаётида қонунларга мос яшайдилар, деб ҳисобласа, у нотўғри мулоҳаза юритган бўлади”⁸, – деган эди Платон.

Жамият қурилиши тузилиши ва бошқаруви муаммоси Ўрта Осиё мутафаккирларининг ижтимоий-сиёсий қарашларида мустаҳкам ўрин

⁷ Назаров Қ. Шарқ ва Ғарб – илдизлари туташ маъволар // Жаҳон адабиёти. – 2017. – № 1. – Б. 147-155.

⁸ Афлотун. Қонунлар / Рус тилидан Урфон Отажон таржимаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. – Б. 197.

эгаллади. Гарчанд Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асаридаги давлатчиликка оид қарашлари кўпроқ диний руҳ билан уйғунлашган бўлса-да, шу билан бирга мутафаккир баён қилган давлатчилик қадимги анъанага мувофиқ дунёвий характерда намоён бўлади. Низомулмулкнинг “Сиёсатнома”, Кайковуснинг “Қобуснома”, Зоҳирий Самарқандийнинг “Синдбоднома” асарларида ҳам мифологик-диний ёндашувлар яққол акс этади⁹. Масалан, Низомулмулк талқинида: “Аллоҳ одамлардан бир кишига қудратини кўрсатиб, давлат ва иқбол беради. Ҳақ Таолодан билим ва ақл топиб, шу билим билан қўл остидагилардан ҳар бирини ўзига тенг билади, ҳар бирига мартабасига мос кадр қилиб, мансаб беради, хизматкорларини халқ орасидан ажратиб олади, ҳар бирига бир мартаба ва манзала беради, дин ва дунё заруратию муҳимоти билан уларни таъминлайди, раиятни муҳофаза қилади, токи унинг адли соясида халойиқ роҳат ила яшаб кун кўрсин”¹⁰.

Адолат, тенглик – ҳаққонийлик ва бошқа инсоний эзгуликлар манбаи, шубҳасиз, Куръони Карим ва Ҳадиси Шариф бўлса, “Сиёсатнома” сингари асарлар шу муқаддас китобларда баён этилган фикрлар ва уларни рўёбга чиқариш бобида олиб борилган ишлар ифодасини аниқ бир фаолият доирасида кўрсатиб, шарҳлаб ва изоҳлаб беради. Давлат масаласи “Сиёсатнома”нинг ўзак томирини ташкил қилади. Бу жиҳатдан унинг асосий ғоялари – эзгу мақсадларни кўзлаган ҳар қандай тузум, давр, жумладан, бизнинг давлатимиз сиёсати билан ҳамоҳангдир¹¹.

Идеал жамият, етук давлат ва комил подшоҳ уйғунликда қаралиши Ўрта Осиё мутафаккирларига хос. Ижтимоий-утопик ғоялар Форобий, Ибн Сино, Беруний, Аҳмад Дониш каби буюк мутафаккир олимлар, Юсуф Хос Ҳожиб, Фирдавсий, Югнакий, Румий, Жомий, Навоий сингари донишманд ижодкорлар асарларида ўз аксини топади. Уларнинг асарларидаги ижтимоий-утопик қарашлар ўша даврда ҳукм сурган теократик тамойилларга муқобил ғоя сифатида илгари сурилган. Илм аҳли бадий-оммабоп усулда, кўпинча ҳукмдорга панд-насихат, ўғит тарзида етук давлат, идеал жамият ва комил подшоҳ билан боғлиқ ижтимоий тартибот, институционаллашув ҳақидаги қарашларини баён этганлар. Жамият қурилиши ва бошқаруви ҳақидаги қарашларни Гардизийнинг “Зайн ал-Ахбор”, Кошифийнинг “Ахлоқи Муҳсиний” асарларида ҳам кўришимиз мумкин¹². Энг муҳими шундаки, ушбу социал-утопик қарашлар ҳаётдан мутлақ узилган эмас. Уларда халқнинг эзгу тилаклари, ўз ҳаётини, давлат бошқарувини мукамаллаштиришга қаратилган ўйлари мужассамдир. Демак, Ўрта Осиё мутафаккирларининг ижтимоий, сиёсий ва маънавий таълимотлари, айниқса, комил инсон орқали идеал жамият, етук давлат барпо этиш мумкинлиги ғояси юксак орзу эди. Баркамол инсонни тарбиялаш, у орқали фуқаролик жамиятини шакллантириш қанчалик ҳаётий бўлса, комил инсон орқали идеал жамият, етук давлат қуриш ҳам шунчалик ҳаётийдир. Ҳақиқий

⁹ Кайковус. Қобуснома. – Тошкент: “O‘qituvchi” НМИУ, 2006. – Б. 172.

¹⁰ Низомулмулк. Сиёсатнома ёки сияр ул-мулк. – Тошкент: Адолат, 1997. – Б. 20.

¹¹ Низомулмулк. Сиёсатнома ёки сияр ул-мулк. – Тошкент: Адолат, 1997. – Б. 4.

¹² Алимардонов Т. Сиёсат ва ахлоқ мувозанати. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. – Б. 43-60.

демократиянинг шиори шуки, ҳукумат фалон ишни қилсин, деб эмас, бизнинг фалон ишни қилишимизга имкон беринг, деб яшаш керак.

Илмий ишлар борасида ўтказилган таҳлил, институционаллашув тадрижийлигига оид уларда келтирилган ҳолатлар шуни кўрсатадики, бугунги куннинг асосий муаммоларидан бири – бошқарувнинг институционаллашувига оид муаммони ўрганишда, хусусан, институционал ёндашувга устуворлик бериш, ижтимоий бошқарув соҳасида коммуникацион менежментнинг инновацион технологияларини тадқиқ қилиш билан боғлиқ жиҳатлар олимлар назаридан четда қолаётганидан ташвишланиш яққол кўзга ташланади. Кўпгина илмий ишларда ижтимоий бошқарув институционал тузилма сифатида эмас, балки ижтимоий жараёнларни бошқариш сифатида тадқиқ этилган.

Маълумки, институционаллашув ҳар қандай ижтимоий соҳага тегишли бўлиб, у муайян ҳаракат ёки ҳодисани уюшган ташкилотга айлантириш, фан, ахлоқ қоидалари, маълум бир кадриятлар тизимига асосланган аниқ муносабатлар тузилмасини тартиблаган жараёнга айлантириш ёки ҳаракатдаги ташкилотни уюштириш эканлигини назарда тутсак, мазкур жараён бир неча кетма-кет даврларни ўз ичига олади. Улар:

- уюшишга эҳтиёжнинг пайдо бўлиши ва уни ўзаро ташкиллаштириш фаолиятининг ҳаракатлар орқали қондирилиши;

- умумий мақсадларни шакллантириш;

- стихияли ҳаракатлардан сўнг синовдан ўтган ҳолатлардан фойдаланган ҳолда ижтимоий меъёрлар ва қоидаларнинг вужудга келиши;

- зарурий меъёр ва қоидалар билан боғлиқ жараёнларнинг вужудга келиши;

- меъёр ва қоидаларни институционаллаштириш, уларни қабул қилиш ва амалиётга кўчириш;

- меъёр ва қоидаларни сақлаб туришда қўлланиладиган тизимлар замонавий занжири (санкцияси, тўсиқ)ни шакллантириш, уларнинг айрим ҳолларда қўлланиши;

- барча ижтимоий-сиёсий ва бошқарув институтлари аъзоларининг қамраб олиниши, мавқеи ва роллари тизимининг яратилиши¹³.

Институционаллашувчилар бу ерда бош омил нафақат узоқ ўтмиш, балки бутун инсониятни асраш деб билиши ва чуқур идрок этмоғи лозим бўлади. Зеро, институционаллашув инсоннинг биоижтимоий мавжудот сифатида барча биологик ва ижтимоий институтлар кесишган жойдаги ҳаракатидир. Институционаллашув жараёни жамиятга, қолаверса, инсон зотига хос доимий алоқа ва муносабатларни таъминлаш ҳамда ижтимоий ҳаётни ташкил қилувчи барқарор жараённинг вужудга келишини таъминлашга қаратилган. Бу ижтимоий ҳодиса маълум бир қабул қилинган меъёр ва қоидалар асосида ҳокимиятнинг турли иерархик поғоналарида ташкилотнинг ушбу хусусиятларини ифода этувчи, уни тартиблаган жараён сифатида маълум бир тузилмалар асосида шаклланган ташкилотга

¹³ Фролов С.С. Социология: учебник. 3-е изд., доп. – М.: Гардарики, 2000. – С. 166.

айлантирувчи узоқ давом этадиган мураккаб жараёндин. Шунингдек, институционаллашув умумий оралик ҳисобланиб, ижтимоий бирлик тасарруфидаги гуруҳ ва индивидларни ташкиллаштиришни амалга ошириш имкониятини берадиган барча эҳтимолий жараёнларни ифодаловчи тушунчадир.

Бизнингча, сиёсатшунослик фани нуқтаи назаридан “институт” – ҳокимиятни ташкил қилишнинг ўзига хос шакли ва ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг барқарор воситасидир. Бу орқали институтлар сиёсий тизимнинг муҳим таркибий қисми сифатида жамият сиёсий ташкилотининг барқарор, узоқ муддат ишлашини таъминлайди.

Бизнинг фикримизча, жамият ҳаётини ташкил этиш ва тартибга солиш, жамоатчилик муносабатларини такомиллаштириш, расмийлаштириш ва стандартлаштириш жараёни институционаллашув деб аталади. Шунингдек, “институционаллашув” тушунчасини ижтимоий эҳтиёжларни қондириш учун ташкилий, ҳуқуқий ва бошқа тузилмаларни аниқлаш, расмийлаштириш ёки ижтимоий меъёрлар, қоидалар, ҳолатлар ва ролларни бирлаштириш ҳамда уларни тизимга киритиш жараёни сифатида қараш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, жамият қурилишини институционал жиҳатдан тадқиқ этиш мажмуавий характер касб этиб, янги илмий ёндашувларни ҳисобга олиш, ижтимоий шакллар ўзгариши даврида сиёсий кўрсаткичлар ва динамикани ўрганиш орқали ислоҳотларни такомиллаштириш ишига катта ҳисса қўшади. Яъни бу борада ижтимоий институтлар, уларнинг шакллари ва фаолият йўналишларини ўрганиш бугунги жамиятимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг янада самарали бўлишига хизмат қилади.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Жамият сиёсий тузилмасининг институционал ўзгаришлари”** деб номланади. Ушбу бобда давлат ва жамият муносабатлари институционаллашувининг объектив жараён эканлиги, давлат ва фуқаролар мулоқоти институционаллашувининг жаҳон тажрибаси ҳамда ижтимоий барқарорликни таъминлашда сиёсий институтларнинг ўрни масалалари ўрганилган. Барча илғор мамлакатларнинг куч-қудрати ва нуфузи ўз фуқароларига бўлган муносабат ҳамда тинч ва осойишта ҳаёт инъом этишдан иборат. Шу билан бир қаторда, бу давлат ва жамият қурилиши, унинг ҳокимият органлари ва қолаверса, институционаллашув жараёнларининг муваффақиятли амалга оширилаётганидан далолат беради. Ислоҳотларнинг мақсад ва тамойиллари Конституциямизда ўз аксини топган бўлиб, булар мамлакат суверенитети, халқ ҳокимияти, Конституция ва қонун устуворлиги, ташқи сиёсат, демократик тараққиёт ҳамда инсон эркинлиги ва унинг асосий ҳуқуқлари, иқтисодиёт, жамоат ташкилотлари, оила, оммавий ахборот воситалари, давлат ҳокимиятини ташкиллаштириш ва бошқалардан иборат¹⁴. Хусусан, унинг ҳар бир моддасида ислоҳотга доир вазифалар тилга олинган бўлиб, уларнинг нуфузи бугунги кунда мамлакатимизда кенг миқёсда амалга оширилаётган инсонпарвар ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш

¹⁴ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 7-модда. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 5.

мақсад ва вазифалари ҳамда уларнинг кўлами билан белгиланади. Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг: “Халқ ҳокимиятга эмас, ҳокимият халққа хизмат қилиши керак” деган шиорига йўғрилиб, узоқ муддатларни кўзлаб белгиланган вазифалар, онг ва тафаккурдаги ўзгаришлар, қолаверса, “Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган қатор ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий масалаларнинг ҳал қилиниши ижобий сиёсий ўзгаришлар учун асос яратмоғи кўзда тутилган.

Сиёсий ҳаётда институционаллашув жараёнларининг барқарорлигини таъминлашда айрим жойларда у ёки бу даражада сиёсийлик, яъни давлатнинг куч ишлатиш ҳолатлари ҳам кузатилган. Бироқ бундай инқилобий услублар доимо ҳам ижобий яқун топавермаган. Аксарият ҳолларда авторитар режим қандайлигидан қатъи назар куч ишлатиш (таъйиқ ўтказиш)дан фойдаланади. Хавфсизликни таъминловчи кучлар ёрдамида ҳокимиятни сақлаб қолиш, муҳолифатни бостириш учун раҳбарлар ўз халқига нисбатан мустабид тузум жорий этиб, ҳокимиятнинг сиёсий барқарорлигини таъминлашда куч ишлатиши табиий. Аммо давлат иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш орқали фуқароларнинг фаоллигини шакллантиришга ҳисса қўшиб, нафақат ўз муаммоларини ҳал этиш, балки умумий фаровонликни таъминлашнинг таркибий қисми сифатида куч ишлатиш ҳуқуқига эга. Бу фаровонликка бўлган эҳтиёжнинг ўсиши, ўз навбатида, сиёсий ҳамда ҳуқуқий эркинликларга бўлган эҳтиёжни ошириб, жамият учун муҳим аҳамият касб этади. Давлат ҳокимияти томонидан уларни амалга оширишда асосий вазифа қонунийлик ва тартибни сақлашдан иборатлигича қолади.

Давлат – жамиятнинг функционаллашуви ва ҳаракатланишида биринчи даражали ва деярли мутлақ суверенитетга эга алоҳида бир ташкилот, жамият сиёсий тизимининг бош таркибий қисми сифатида ҳокимиятни амалга оширувчи воситадир. Унинг фаолияти жамиятнинг ҳамма соҳасига таъсир қилади. У ваколатни халқдан олади ва уни ўзининг махсус тузилмалари – давлат органлари орқали амалга оширади. Давлат халқ манфаатини кўзласа, ижтимоий ҳаётда, давлат ишларида, хўжалик юритишда унга эркинлик берса, тинчлик сиёсатини юргизса, давлат демократик ҳисобланади ва тараққиётга сабаб бўлади. Аксинча, халқнинг эркинлигини ноқонуний чекласа, фақат зўравонликка йўл қўйса, у замонавий давлат ҳисоблана олмайди.

Дунё тартиботи шуни тасдиқламоқдаки, янги сиёсий демократик институтларнинг ривожланиши асосий уч фазадан (босқичдан) ўтади. Биринчи давр – бу институтнинг пайдо бўлиши ва ўсиши, иккинчи давр – унинг легитимлиги жамиятда мустаҳкамланиши, урф-одатларга мослашиши билан тавсифланади, иккинчи давр, одатда, узоқ муддатли давомий жараён бўлиб, унда демократик институтларнинг мутлақ янги шароитда қандай ўзига хос хусусиятга эгаллиги синовдан ўтади ва ниҳоят, учинчиси – уларнинг самарадорлиги ўсишига бориб тақалади.

Халқ, жамият ва давлат талабларидан келиб чиққан ҳолда давлат ҳокимияти шундай демократик институтларни бунёд этмоқдаки, улар жамиятимиз олдига қўйган мақсадларига кўп жиҳатдан мос келиши билан

ажралиб туради. Мамлакатимизда кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамиятига интилиш, хусусан, Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг “Халқ давлатга эмас – давлат халққа хизмат қилиши керак” концепциясининг янгидан янги марраларни эгаллаётгани шундан гувоҳлик бермоқда.

Маълумки, ҳокимият вертикал иерархияга асосланган бўлиб, демократия ҳам шу тизимда шаклланади. Яъни фуқароларнинг ҳаёт ва фаровонлик даражасининг ошиши натижасида фуқаролик жамиятининг шаклланишига сиёсий жараён таъсирида юқори талаб вужудга келади. Натижада, демократик сиёсий институтлар таркиб топиши учун кафолат шакллана бошлайди. Янги дастурларни ишлаб чиқиш асносида сиёсий раҳбарият ўз олдига қўйган вазифалар ечимига қаратилган учта омилга эътибор қаратади. Улар:

- одамлар учун тенг имкониятларни яратиш;
- ахлоқ учун мотивацияларни ишлаб чиқиш;
- ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишда иқтисоднинг таъсирини

ошириш.

Қўйилган мақсадларни амалга ошириш учун эса, табиийки, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий институтлар умуман бошқа мазмун касб этиши керак. Энг аввало, бу ҳукумат бошқарувига тегишли булиб, суд ҳокимияти, фуқаролар назоратининг самарали ташкил этилиши халқ кайфиятида ўз аксини топиши керак. Айнан шу масалалар мамлакатимизда давлат ва жамият институтларини янада мустаҳкамлашни тақозо этмоқда.

Сиёсий барқарорликни таъминлаш жараёнида, сиёсий тизим институтлари асосий ўринни эгаллаб, уларнинг бажарадиган вазифалари (ички ва ташқи) кўлами кенгайиб, такомиллашиб бормоқда. Негаки, турли соҳага қаратилган (ички, ташқи) хавф ва таҳдидларнинг тобора интеллектуаллашуви сиёсий тизим олдида илгари маълум бўлмаган, аммо ўз ечимини институционал тарзда ҳал этиши шарт бўлган масалаларни қўймоқда. Бу масала нафақат назарий, балки ташкилий жиҳатдан ҳам муҳим вазифалар сирасига кирганлиги боис, соҳа олимлари уни ҳал этишнинг қатор жиҳатлари мавжудлигини, уларнинг айримларини қуйидагича кўрсатиб ўтишган¹⁵. Улар:

- миллий ахборот сиёсатини (давлат, фуқаролик жамияти, массмедиа ва халқнинг ҳокимиятни амалга оширишга оид вужудга келадиган муносабатлари мажмуаси тушунилади) такомиллаштириб, ахборотни технологик ва мазмундорлик жиҳатларига эътибор қаратиб, ахборот сиёсати

¹⁵ Самаров Р. Сиёсий барқарорлик – демократик ислохотлар маҳсули // Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси – баркамол авлодни шакллантириш асоси мавзуидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент, 2011. – Б. 41.

объектларининг (ахборот ресурслари, ахборот инфраструктураси, ОАВ, ахборот ҳуқуқи, ахборот хавфсизлиги)¹⁶ фаолиятини янада ривожлантириш;

- хавфсизлик маданиятини шакллантиришга доир муаммони илмий тадқиқ этиб, унинг назарий моделини яратиш ва жамиятимизда тарғиб этиш тадбирларини ишлаб чиқиш;

- ахборот ҳокимияти тизими (“Давлат ► Ахборот сиёсати ► Фуқаролик жамияти ► Сиёсий ҳокимият ► ОАВ ► Халқ”) фаолиятини такомиллаштириб, медиатаълимга эътибор қаратиш;

- аҳолининг турли қатламлари, асосан, ёшларнинг қизиқиш ва қобилиятларини инобатга олиб, уларда ассертив хулқни шакллантириш. Бунинг учун маданий омиллардан фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқиш;

- мамлакатимизда ўтказилаётган демократик ислохотлар натижалари билан хорижий мамлакатларни таништириш, бунинг учун маданий-сиёсий тадбирларнинг мазмунини янада бойитиш;

- жамиятимизда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожланишлар орасидаги боғлиқликни сақлаб туриш;

- миллий таълим-тарбия тизимини доимий тарзда такомиллаштириш, маърифий муассасалар мажмуасини замонавийлаштириш, уларнинг фаолиятини таълим-тарбия эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш, ҳаётда тақлидчиликдан сақланиш мақсадида миллий уйғунликни сақлаш.

Умуман олганда, юқорида келтирилган вазифалар ижроси демократиянинг ижтимоий жипслашган даражаси, унинг барқарор тараққиёти учун барча шарт-шароитлар ва мунтазам кенгайиб боровчи имкониятлар яратилганлигидан далолат беради. Шу муносабат билан демократияга ўтиш даврининг юқори поғонасига эришган ҳар бир жамият учун барқарор демократлашув жараёнларининг узлуксиз равишда рўй бериши даврнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан шарт-шароитлар орқали таъминланади, демократия барқарорлигига таъсир қилувчи ички ва ташқи омиллар жамият барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ижтимоий-сиёсий барқарорликка эришувдаги институционал-лашувнинг роли шундан иборатки, у ноаниқлик омилини камайтириб, субъектларда истиқболни кўриш асоси шаклланади. Институционаллашув жараёнида ўз-ўзидан юз берган хулқ башоратга мос келади. Жамият аниқ турдаги ижтимоий муносабатлар, алоқаларни мустаҳкамлайди, уларнинг мунтазам ва мудом бўлишини таъминлайди. Табиийки, кейинчалик ана шу асосда чекловлар тизими ишлаб чиқилади. Манфаатлар институтлашувининг ниҳояси ижтимоий-иқтисодий жараёнлар иштирокчиларининг кўпчилиги томонидан маъқулланган манфаатларнинг аниқ таркибий ролларига белгиланган қоида ва меъёрларни тузиш билан яқунланади.

¹⁶ Бугунги кунда фанда ахборот сиёсатининг механик, диалогли ва аралаш моделлари мавжудлиги аниқланган.

Диссертациянинг “�збекистонда янги ижтимоий-институционал тартиботнинг шаклланиши: муаммо ва ечимлар” деб номланган учинчи бобида ижтимоий модернизациялаш даврида ижтимоий-институционал янгиланишлар, мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини такомиллаштириш истиқболларига доир масалалар тадқиқ этилган.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда жамият қурилиши институтлашиб бораётганлиги, хусусан, мамлакатда демократик институтларнинг шаклланиши, кўппартиявийликка ўтилиши, ҳокимият тармоқларининг мустақиллиги, жамоатчилик назоратининг ошиб бориши демократик жамиятга хос жиҳатлар эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Жаҳон тажрибаси жамиятда демократик институтлар ва ижтимоийлашув қай даражада эканлигини белгиловчи камида учта мезон мавжудлигидан гувоҳлик беради. Улар – халқнинг қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлиги, ҳукумат қарорларининг халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши ва ниҳоят оддий фуқароларнинг давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этиши билан боғлиқ. Жамиятимизни демократлаштириш ва янгилаш жараёнларининг ҳозирги янги босқичи, аввалги тараққиёт босқичларида тадрижий тарзда шакллантириб келинган демократик асосларнинг янада кенгайтирилган ва мустаҳкамланган кўлами ва шаклини ўзида намоён қилмоқда.

